

## ИЛМИЙ УСЛУБДАГИ УЗВИЙЛИК ТАМОЙИЛЛАРИНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

*Давлатова Маишхура Илҳомовна*

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ*

*Навоий академик лицейи ўзбек тили  
ва адабиёти фани катта ўқитувчиси*

### Аннотация

Ўзбек тили курсида нутқ услубларининг илмий услуб соҳасини ўрганишда муайян натижаларга эришилган. Умумий ўрта таълим мактаблари ва ўрта махсус ўқув юртларида илмий услубнинг бир қанча илмий, лингвистик ва дидактик масалалари ўрганилади. Илмий услубни айрим манбаларда (мактаб она тили курсида) китобий услуб ҳам деб юритади.

**Калит сўзлар:** илмий усуб, функционал услублар, илмий услубнинг жанр хусусиятлари.

### Кириш

Албатта, илмий услубнинг амалдаги илмий-лисоний(лингвистик) тамойиллари қониқарсиз деб айта олмаймиз. Шунга қарамасдан мактаб она тили курси илмий услуби тамойиллари ва бошқа илмий-лингвистик хусусиятлароини мукамал ишланган ҳам деб айта олмаймиз[1.23-98].

Биринчидан, мактаб она тили курсида илмий услуб ва унинг жанр хусусиятларини ўрганиш мақсадга мувофиқми ёки йўқми? Мактаб ўқувчисига илмий услуб ҳақида маълумот бериш зарурати борми ёки йўқми? Бу саволларга жавоб топишда нафақат мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари, балки етакчи тилшунос ва методист олимлар ҳам муаммоли вазиятларга дуч келмоқда. Бунинг ечимини топишда, албатта, биз ҳозирги замон ўқувчисининг интеллектуал (ақлий тугаллик) қобилиятлари ҳамда уларнинг жаҳон ҳамжиятига фаол кириб бораётганлиги нуқтаи назаридан ёндошиб уларнинг барчаси олимлар бўлиб етишмаса-да, жаҳон илм-фан дурдоналардан бохабар бўлишлари деб қараб, уларга илмий услубни ўрганиш зарурий ҳол деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Иккинчидан, илмий услуб ва унинг жанр хусусиятларини ўрганиш учун мактабдаги она тили курси юзасидан дидактик манбалар етарли даражада ишланганми ёки йўқми, деган муаммоли савол, бу – ишимиздаги иккинчи энг катта методик муаммо деб қарайман.

Демак, мактаб она тили фани ўқитувчиларининг бу муаммолар ечимига фақат шу соҳа мутахассисларини эмас, балки етакчи олимлар ва методистларни жалб қилиш, назаримизда, муаммоларни ҳал этишда ижобий натижаларга олиб келади деган фикрни олға суришни жоиз деб биламан.

### Асосий қисм

Илмий услуб ҳақида Республикамизда жуда катта кўламли ишлар олиб борилган, лекин уларнинг бирортасида илмий услубнинг жанр хусусиятлари ўрганилмаган. Жанр сўзининг маъноси ҳам кўп манбаларда изоҳланган. Бу

сўзнинг изоҳида ҳам бир хиллик йўқ. Айрим манбаларда жанр сўзи фақат адабиётшуносликда «адабий тур ва жанрлар» мавзусини ёритишга хизмат қилади деган хулосалар берилган. Тилшуносликда «жанр» атамасини ишлатиш мақсадга мувофиқ бўлармикан. Жанр атамаси французча бўлиб, унинг маъноси тур деб изоҳланади. Шу нуқтаи назардан жанр атамасини тилшуносликда ҳам ишлатиш мақсадга мувофиқдир[2;3;4;5;].

Методист, тилшунос олимлар ва илғор ўқитувчиларнинг илмий кузатишлари иш фаолиятида эришган натижаларига асосланиб мактаб она тили курсида илмий услубни жуда ҳам мукамал даражада ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлайман. Чунки, мактабда ўрганиладиган барча фанлар, математика, физика, биология ва бошқа аниқ ва гуманитар фанлар илмий асосланган. Бу фанлардан ўқувчиларга илмий-дидактик манбалардан фойдаланиб реферат ва бошқа илмий маърузалар тайёрлашни топширадилар. Агар ўқувчи илмий услуб ва унинг хусусиятларини билмаса, манбадан тўлиғича кўчиради ёки фактларни бузиб кўрсатади(искажать).

Шу сабабдан ҳам айнан она тили фанининг ўзи учун ҳам ўқувчилар ижодий тафаккури ва уларнинг илмий манбалар асосида билув (познавательный)-дидактик қобилиятлари ҳамда илмий муҳитни шакллантиришда асосий восита бўлиши табиийдир.

Мавзудан анча узоқлашмасдан, унинг мазмунига ёндошадиган бўлсак, илмий услубнинг жанр хусусиятларини аниқлаш зарур. Назаримизда, илмий услубни қуйидаги уч жанрга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир:

1. Академик йўналишдаги субстиль
2. Илмий-дидактик йўналишдаги субстиль
3. Илмий-оммабоп йўналишдаги субстиль[1;2;3;4;5;].

Биринчи йўналишга, монография, диссертация ва илмий мақолалар, илмий-техникавий ишланмалар киради.

Масалан, «Тилларнинг грамматик тизими маълум грамматик категориялар ёрдамида ўрганилади. Тиллар тизимини таҳлил қилиш, махсус категориал бирликларни аниқлаш ва бу категорияларни ўрганишда лингвистик ўлчов бирликларидан фойдаланилади.» (Тил ва адабиёт таълими журнали 2008, №4 сонидан олинди)

Иккинчи йўналишга дарслик, ўқув қўлланмалари ва бошқа манбалардаги матнлар киради. Масалан, мактаб она тили куридаги қуйидаги жумла шу йўналишга мисол бўла олади: «Адабий тил барча тушунчалари бўлган сўзлар, кўшимча, ибора ва гаплардан иборат бўлади. Адабий тил қоидалари – меъёрларини белгилаш учун тилшунос олимлар шева ва лаҳжаларни ўргандилар, умумга тушунарли тил хусусиятларини белгилаб, анъанавий адабий тил қонун-қоидаларини ҳам ҳисобга олиб замонавий адабий тилни ва унинг меъёрларини белгилайдилар.» (Мактаб 10-синф она тили дарслигидан.)

Учинчи йўналишдаги илмий услуб жанри бу илмий-оммабоп услуб. Бунда илмий услубнинг бу жанрида газета ва бошқа илмий-оммабоп нашрларда эълон қилинган ишлар киради. Масалан, «Кўпчилик XI асрда яшаб ўтган маъшуру энциклопедик олим Маҳмуд Кошғарийни филолог олим сифатида яхши билади. Лекин тарихий далиллар бу буюк сиймонинг география фани ривожига ҳам

салмоқли улуш қўшганлигини кўрсатади. Агар бу ҳақда тўлиқ маълумотга эга бўлишни истасангиз, «Мақтабда географиянинг янги 5-сонини ўқинг.» («Маърифат» газетасидан олинди).

Демак, илмий услубдагидаги биринчи йўналиш материалларини иккинчи йўналишдаги манба ва материалларга тенглаштириш, албатта, ўқувчида катта чалкашликлар ва қийинчиликларни туғдиради. Натижада ўқувчи ҳар иккала манбадан олиб тайёрлаган реферат ёки семинар машғулоти матнида айрим чалкашлик ва тушунмовчиликларга учраши табиий бир ҳол. Агар ўқувчи илмий услубнинг жанр хусусиятлари билан мукамал танишган бўлса, илмий мавзудаги рефератини тайёрлашда ва олинган манбалар, уларнинг иқтибосларини расмийлаштиришда қийинчиликларга дуч келмайди.

Илмий услубнинг учинчи йўналиши ўзининг спецификаси (хусусиятига) кўра юқоридаги илмий услуб жанрларидан мутлақо фарқ қилади. Оммавий-ахборот нашрларидаги материаллар илмий характерда бўлгани билан барча(омма) учун тушунарли тарзда ёзилиши мақсадга мувофиқдир.

### Хулоса

Демак, мактаб она тили курсида илмий услубни жанрларга бўлиб ўрганиш ўқувчиларнинг илмий-билув фаолиятларини шакллантиришда асосий роль ўйнайди. Илмий услубни ўрганишнинг мақсадли ва режали амалга оширилиши фақат она тили фани учун эмас балки, барча фанлар учун фойдалидир. Илмий услубнинг бу уч йўналиши ва жанрлари бир-бири билан узвийликда бўлиши шарт ва зарур. Акс ҳолда ахборот мазмуни узатилишида (коммуникатив ҳолатда) камчиликлар содир бўлиши мумкин.

### Адабиётлар:

1. М.Ирисқулов. Тилшуносликка кириш. Т, «Ўқитувчи», 1992.
2. Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. Т, 1992
3. Тўйчибоев В. Ўзбек тили тарихий фонетикаси. Т, 1990
4. Турсунов, У.Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили., Т, «Ўқитувчи», 1992.
5. Ҳ.Жамолхонов. Ҳозирги ўзбек адабий тили. «Талқин», 2005